

Арвоҳга шам ёқиш жоизми?



06:09 / 10.11.2018 5628

Савол: Биз баъзи инсонларнинг арвоҳлар руҳига шам ёққанларини кузатамиз. Лекин мени бу ишнинг гуноҳ ёки гуноҳ эмаслиги қизиқтиради. Савол шуки, Ислом динида арвоҳ руҳига шам ёқиш жоизми?

Жавоб: Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Бунинг мутлақо Исломга алоқаси йўқ, балки гуноҳи азим бўлади. Арвоҳларга атаб қабрларга, бошқаларга шам ёқиш мажусийларнинг, насронийларнинг, бошқа дин вакилларининг иши ҳисобланади. Мусулмонликда арвоҳларгами, бошқаларгами, атаб шам ёқиш мутлақо йўқ, рухсат берилмаган, гуноҳ бўладиган иш ҳисобланади. *Валлоҳу аълам.*

“Зикр аҳлидан сўранг” китобидан